Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган **1997 йил 6 август, чоршанба** Баҳоси сотувда эркин нархда. № 60 (6956)

Da'vat

Кексаликнинг озиғи донолик эканини ёдда тутиб, ёшликда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиқсиз қолмасин.

Леонардо да ВИНЧИ.

Ibrat

Қамаши туманидаги 31-урта мактабнинг оҳак пишириш цехида йилига 50—60 тонна оҳак тайёрланиб, туман мактаблари ва хўжаликларига жўнатилмоқда. Бу эса зиё масканларини янги ўқув мавсумига тайёрлашда қўл келмоқда. Айни чоғда билим масканининг ўз ҳисоб рақамида 100 минг сўм маблағи бор.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

АЗИЗ ЁШ ДУСТЛАРИМ!

Сизларни, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантларини қўлга киритганликларингиз ва жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш бахтига муяссар бўлганликларингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Азалдан халқимиз орасидан доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир ТЕМУР, Имом БУХОРИЙ, Ал-ХОРАЗМИЙ, Абу Райҳон БЕРУНИЙ, Абу Али ибн СИНО, Мирзо УЛУҒБЕК, Алишер НАВОИЙ, Бобур МИРЗО каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда.

Сизлар дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиб, жаҳон андозалари даражасида билим олиб, энг замонавий касб-ҳунар ўрганиб, озод ва обод Узбекистоннинг буюк давлат бўлишида муносиб ҳисса қўшасизлар, деган умиддамиз. Бунинг учун ҳаёт синовларига бардош бериш, жамиятда ўзингизга муносиб ўрин топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш талаб этилади.

Барчангиз она Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун курашадиган, Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан она юртни улуғлашга қодир, истеъдодли ва садоқатли йигит-қизларсиз.

Истиқлол ва истиқбол йўлида сафарбар этиш учун қўйган дастлабки қадамларингиз зафарли, ҳаётингиз сермазмун бўлсин. Ўқиш ва изланиш машақатларига сабр-бардош тилайман. Борган жойингизда буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигингизни намоён этишингизга ишончим комил.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«УМИД»НИНГ БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Тошкентнинг «Киночилар уйи»да бўлиб ўтган ҳаяжонли учрашувга Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қ у л л а б - қ у в в а т л а ш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорлари билан бирга уларнинг ота-оналари ҳам ташриф буюришган. Шодиёнани мамнунлик билан кузатаётган бир отахонга савол ташлайман:

— Ўғлингизни қайси давлатга кузатяпсиз?

— Америкага... Ана у, боя гапирган мени ўғлим-да, — дея бошидаги дўппини тўғирлаб олади отахон, — Сизлар газетадан келдингизларми?

— «Маърифат»ни билсангиз керак, балки ўқитувчидирсиз.

— Ҳа-ҳа, биламан. Мен деҳқончилик қиламан, ўғлим. Мана, энди ўғлим Америкада ўқиб келса... Бу ҳам хаёлимдаги бир орзу эди.

Айтгандай, совриндорлар номидан сўзга чиққан йигитнинг исми Жуманазар Султонов эди, отахонга яқинроқ сурилиб оламан:

— Фамилиянгиз ҳам Султонов бўлса керак?

— Ҳа, Жуманазар ўғлим бўлади, — дея имлаб қўяди, — сўзга чиққан. Менинг отим Қувондиқ, фамилиям Султонов.

Қувондиқ ота яйраб кулиб қўяди. Очиғи, ўзбек йигит-қизларининг жаҳондаги етакчи олий ўқув юртларида ўқиб таълим олишлари нафақат залга йиғилган ота-оналар учун, балки бутун халқимиз учун ҳам қувонч деса бўлади. Жиззах вилояти Жиззах туманининг Ш. Рашидов номидаги жамоа хўжалигидагиларнинг ҳаммаси Қувондиқ отанинг севинчига шерик.

Ўзбек халқи азалдан боласини «Уқи, мулла бўл» дея илмга даъват этиб келган. Туғилган чақалоқни ҳам элу юртга нафи тегсин, қобил фарзанд бўлсин, дея бутун эзгу умидларини унинг исмига жойлайди. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони барча ўзбек ёшларининг чексиз қувончи бўлди. Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Владимир Норов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, «Умид» жамғармаси раиси Рустам Азимов, ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, АҚШ ҳамда Франция элчиси, Германия ва Япония элчихонаси вакиллари ва бошқалар иштирок этишди. Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова совриндорлардан 16 нафар талабага Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантлари ҳамда Президентнинг дастхати туширилган соатларни топширди. Сўзга чиққанлар ёшларга эзгу тилакларини билдиришаркан, уларнинг жаҳон андозаси даражасида билим олишлари, ўз билимлари, иқтидорлари орқали юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишлари кераклигини айтиб ўтдилар. Узбекистон республикаси Президенти маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов Президентнинг «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига йўллаган табрикномасини ўқиб берди. Шубҳасиз, бу — юртимиздаги тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеалардан бири сифатида қолади. Зеро, ёшларнинг маънавиятию замонавий билими ислоҳотлар жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу ерда, сўнгги сўз ўрнида АҚШ элчиси жаноб Стенли Эскудеронинг айтган сўзларини келтирсак: «Мен яна 6-8 йилдан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келишни истардим. Бу ерда минглаб иқтидорли ва замонавий кадрларнинг амалга ошираётган ишларини кўришни хоҳлардим. Президентингиз бошлаган йўл сизни буюк тараққиётга олиб боришига ишонаман. Сизлар биринчи қалдирғочсизлар, биринчилар эса доим энг кучлилардир. Сиз ўз бурчингизни оқлашингиз ва юртингиз учун хизмат қилишингиз керак».

Ойбек ҲАКИМОВ.
Р. ГАЛИЕВ
олган суратлар.

ЯПОНИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ 2-бет

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА 3-бет

ЁЗГИ ЎҚУВ: «ҒОВА» КАШФИЁТЛАРИ 4-бет

ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Бу борадаги муҳим қадамлардан бири Узбекистонда илк бор «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳасининг яратилганидир. Республика Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтажак навбатдаги сессияси тартибига «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳаси ҳамда Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаси киритилган. Шу кунларда мазкур лойиҳалар жойларда қизғин муҳокама этилмоқда.

4 август куни Юқори Чирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалиги маданият саройида «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятидан сайланган Олий Мажлиси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари муассасалари раҳбарлари қатнашдилар. Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққан республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Олий мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров ва бошқалар «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»ни тайёрлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаси хусусида гапирдилар. Ушбу ҳужжатларни тайёрлашда мамлакатимизга хос жиҳатлар, миллий педагогикамиз анъаналари эътиборга олингани алоҳида таъкидланди. Дастур ва қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

(ЎзА).

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркибини ўзгартириш тўғрисида» Фармони чиқди ва унга асосан 1996 йил 11 июлдаги ПФ-1492-сон Фармоннинг 1-банди қисман ўзгартирилган ҳолда Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркиби қайтадан тасдиқланди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 5 августидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра, 1 АҚШ долларининг қиймати 69 сўм 90 тийин миқдорида белгиланди.

• Албанияда бир ой давом этган тартибсизликлардан сўнг маҳаллий маъмурлар ва италиялик мингга яқин аскарлар томонидан осойишталик ва тартиб-интизом ўрнатишга киришилди.

JUMLADA JAHON

• НАТО ташкилоти раҳбарияти АҚШ Президенти томонидан таклиф этилган АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари адмирали Херолд Геманни Атлантикадаги Бирлашган Қуролли Кучлар Олий бош қўмондонлигига тайинлади.

• Афғонистон пойтахтининг шимол томонида Аҳмад Шоҳ Маъсуд билан мамлакатнинг ҳамон учдан икки қисмини ўз тасарруфида сақлаб турган толибонлар ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда.

• Тожикистон муфтийси Омонулла Неъматзоданинг ўғилларини ўғирлаб кетган кишилар қидирилмоқда — айни пайтда, муфтийнинг уч ўғлини қайси кучлар қандай мақсадларда ўғирлаб кетганлиги номаълум бўлса-да, бундай хатти-ҳаракатни Ризвон Собировнинг тарафдорлари содир этганига оид тахминлар мавжуд.

ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН ЎЛКА

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Ватанимизда рўёбга чиқарилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки натижаларидан жаҳон иқтисодчиларини ҳайратлантираётгани бугун сир эмас. Ғарб мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистон XXI аср бошларидаёқ Марказий Осиёнинг етакчи иқтисодий «йўлбарси» бўлиш имкониятига эга. Чунки бу ерда иқтисодиётнинг ҳуқуқий негизлари яратилганлиги республикага янги технология ва техника келтиришга, фақат ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, айни пайтда ташқи бозорга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга замин ҳозирлаётир.

Асака шаҳрида автомобиль заводининг қуриб битказилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси, Кўқдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ишга солиш, чет эллик шериклар билан ўнлаб енгил саноат корхоналарини ишга тушириш, Андижон, Қўқон, Қўнғирот ва бошқа ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, янги темир йўл ҳамда автомобиль йўлларини қуриш буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўтган олти йил ичида эришилган натижалардир.

Хусусийлаштириш иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминловчи муҳим омил. Бу борадаги ислоҳотлар натижасида бугунги кунда халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил қилинган миллий даромадининг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келяпти.

Республикамизда қатъий пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва бунда инфляция суръатларини пасайтиришга эришилаётир. Жумладан, миллий валютамиз жорий этилгандан буён инфляциянинг ўртача ойлик даражасини 1994 йилдаги 30,3 фоиздан 1995 йилда 6,7 фоизга ва 1996 йилда 4,3 фоизга камайтиришга эришилди.

Молиявий тизимнинг барқарорлиги чет эл капиталининг республикамизга кириб келишига кенг йўл очмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда 30 дан зиёд тижорат ва қўшма банклар фаолият кўрсатаётгани бунга далилдир.

Ватанимиздаги қулай инвестиция муҳити унинг ташқи савдо фаолиятида ҳам акс этаётир. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён савдо баланси бўйича ижобий сальдога эга бўлиб келаётган МДҲдаги иккита мамлакатнинг биридир.

Ҳа, озод ва обод Ватанимиз иқтисодий тараққиётнинг нурли йўлидан бормоқда. Юксалиш суръатлари эса эл-юртимизнинг фаровонлашувидан, мамлакатимизнинг буюк келажагидан далолат. Ана шундай иқтисодий далилларни Мустақилликка бағишланган дарсларда ўқувчиларга тушунтириб бериш ҳар бир педагогнинг муҳим ишидир. Шунга эришиш лозимки, иқтисодий таҳлилларимиз ўқувчиларга озод миллатнинг нималарга қодир эканлигини кўрсатиш билан бирга уларда Ватан қудрати, эл шуҳрати билан ҳам чексиз фахрланиш туйғуларини жўштира олсин.

ММММ ХАБАРЛАРИ

КУТУБХОНА ГАВЖУМ

Қамаши туманидаги 14-ўрта мактаб кутубхонаси бутун ёз давомида китобхонлар билан гавжум бўлди. Таътил пайтида ҳам ўқувчилар бу ерга келишиб китоб мутолаа қилишяпти.

Чунки бошлаб эса таътилдан қайтишаётган муаллимлар ҳам янги дарсликлар, услубий қўлланмалар, янги ўқув йили режалари билан атрофлича танишмоқдалар.

Зероки 1 тоифали кутубхоначи Розия Ғозиева бошқараётган бу кутубхонада шароитлар анча яхши-да.

Кутубхонада 10 минг нусха дарслик, мингдан зиёд бадиий китоблар мавжуд, шунингдек ўқув зали, маънавият ва маърифат хоналарига ҳам эга.

С. ОСТОНОВ.

МАКТАБДА ТАНТАНА

Улуғ адиб Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тантаналар Шаҳрихон туманидаги 10-ўрта мактабда ўзгача бир руҳда нишонланяпти. Юбилейга бағишлаб дид билан безатилган деворий газеталар чиқарилди, китоблар кўргазмаси уюштирилди. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига бағишлаб китобхонлар анжумани ўтказилди.

Яқинда эса мактабда шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этиш бўйича танлов ўтказилди.

Ушбу тадбирларни юқори савияда уюштиришда эса бадиий тўгарак раҳбари А. Мирзаев, тил ва адабиёт ўқитувчиси Н. Абдукаримов, Т. Раҳимоваларнинг хизмати катта бўляпти.

М. РАҲМОНОВ.

МАЗМУНЛИ ТАЪТИЛ

Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги «Шарқ-6» маҳалласида ҳам болаларнинг таътил мобайнида бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли тадбирлар уюштирилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Балли қизлар!», «Полвонжон — соғломжон» беллашувлари фикримизнинг далилидир.

Ҳозирда улар Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб «Жаннатмакон юртимиз бор» мавзуида байрам дастурини тайёрлашмоқда.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

ММММ ХАБАРЛАРИ

Yangi o'zbek alifbosini o'rganamiz

ЁЗИШДАН АВВАЛ ЁЗУВНИ ЎРГАНАЙЛИК

Мустақил республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши муносабати билан нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам янги алифбо ва имлога диққат-эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Хусусий дўкон номларидан тортиб, то олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхона ва муассаса ва ташкилотлар номлари янги ўзбек лотин ҳарфларида ёзилмоқда. Бироқ айрим ўринларда хато ёзувлар ва чалкашликлар учрамоқда.

Ўзининг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида турган Бухорои шарифда Бухоро давлат университети, Бухоро тиббиёт институти, Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидан ташқари ўн иккита ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлиб, буларнинг аксариятида асосан, янги алифбо ҳарфларининг босма ва ёзма, бош (катта) ва кичик шаклларининг ёзилишида ҳамда тутуқ белгиси (апостроф)нинг қўйилиш-қўйилмаслик ўринларида имловий хатолар учрамоқда. Далиллар келтирамиз:

Бухоро тиббиёт институтига кираверишингизда E'LON сўзи EЪLON шаклида нотўғри ёзилган.

Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидаги ёзувларнинг аксариятида «O'» ҳарфи «O'» ёзиб юборилаверилган. Шунингдек, «FAKULTET» сўзи «FAKUL'TET» тарзида хато ёзилган. Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат институтининг ихтисослашган лицейига кираверишингизда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат»да «Ўзбекистон» сўзи «O'ZbEKISTON», «буюк» сўзи «bUYUK» шаклида ёзилган. (Бош ва кичик ҳарф шакллари, босма ва ёзма ҳарфлар бирбиридан фарқланмаган).

Бухоро давлат университети қошидаги «Маърифатга ҳақиқатсиз етиб бўлмас»да «BO'LMAS» сўзида босма «O'» ўрнига ёзмаси ёзиб қўйилган.

Шаҳар кўчаларидаги аксарият лотин ёзувларида «ш», «ч», «ц» ҳамда бош ва кичик ҳарфлар аралаш-куралаш ёзиб ташланган. Буларнинг барчасини ёзишдан аввал янги ўзбек лотин ҳарфларининг бош ва кичик ҳамда босма ва ёзма шаклларига қатъий амал қилинса, айни муддао бўлур эди.

Сунатулла РИЗАЕВ.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

ЙИГИРМА БЕШ КУН ҚОЛДИ

Ёдингизда бўлса, Халқ таълими вазирлиги қошида тузилган таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш бўйича тузилган штаб текширувининг ўтган рейдида асосий урғу бу жараёнга ички имкониятларни ҳамда ишлаб топилган қўшимча маблағларни сарфлашга берилганди. Бу гал унинг амалдаги ижросини кўрдик.

Ижтимоий йўналишдаги республика гимназияси биносини кўздан кечирар эканмиз, у ерда яхлит бир уйғунликка мос ҳолда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Юзаки қараганда бироз бесаранжомроқ кўринаётган билим маскани биноси ундаги синфхоналар, ётоқхоналарнинг шунчаки номига эмас, балки ипидан-игнасигача тайёрланаётганидан дарак берарди. Негаки, асосий ишлар қилиниб, пардоз-андоз ишлари қолган холос. Тўғри, спорт залида, ошхонада ва ҳовлида бир талай қилиниши лозим бўлган ишлар бор. Улар ҳам гимназия директори Абдусалом Умаровнинг айтишича, ҳомийлар томонидан янги ўқув йили бошлангунча битказилар экан.

Республика мусиқа мактаб-интернатига борганимизда бу ерга келмаганига анча вақт бўлганлар ажабланишди. Негаки, илгари таптақир чўлда қаққайиб турган бино бугунга келиб турли дарахтлар қуршовида қолган эди. Яна бир ибратли жиҳати шундаки, уларнинг деярли барчаси мевали дарахтлар. Олмалар шиғил пишиб ётибди. Мактаб директори Машкура Каримованинг айтишича, ҳа, демай уларнинг эгалари келиб қолишар экан. Ташқаридаги озодалик, кўркамлик мактаб ичкарисига ҳам кўчган. Бежирим қилиб безатилган ётоқхоналар, ошхоналар, дид билан таъмирланган синф хоналари ўқувчиларга интизор. М. Каримованинг таъкидлашича, ҳозирда чиққан зарурий дарсликлардан ташқари яна 50 минг сумлик бадиий адабиётлар ҳам олинган. Қилинган ишларнинг кўпчилиги жамоа кучи эвазига оширилибди.

Шу кунги режада бўлган республика махсус болалар ва ўсмирлар Олимпия резервлари мактаби ҳамда ишлаб чиқариш педагогика илмий-тадқиқот институтларида ҳам бир талай ишлар амалга оширилган. Бироқ ён-атрофни ободонлаштириш бўйича бирмунча ишлар қилиниши лозим.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнига нафақат таъмирлаш, балки таълим мазмуни билан боғлиқ бўлган дарсликлар, ўқув жиҳозлари, бадиий адабиётлар билан таъмирланиши ҳам киради, — деди штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов. — Ҳозирда кўпгина дарсликлар янгиланмоқда, пешма-пеш чиқарилмоқда. Раҳбарлар бундан ҳамиша огоҳ бўлишлари, ўз вақтида уларни ўқувчилар қўлига етказиш чораларини кўриб қўймоғи даркор.

А. РАҲИМОВ.

16-ўрта мактаб аслида «Оқ олтин» туманидаги энг ибратли зиё масканларидан бири. Бу ерда 239 нафар ўғил-қизлар сабоқ олишади. Мактабга узоқ йиллардан буён тажрибали ва тадбиркор инсон Илёс Худойбердиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Илёс Худойбердиевнинг бевосита ташаббуси билан билим даргоҳида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан ҳозирга келиб барча синф хоналар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Мактабдаги мавжуд синф хоналарини таъмирдан чиқаришда фидойи ўқитувчилардан Роза Мехлиева Абдужалил Ҳусанов, Гавҳар Худойбердиева, Бахриллo Тошхўжаевларнинг хизматлари катта бўлди.

СУРАТДА: мактаб ўқитувчилари.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Яқинда Қарши вилоят кутубхона ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бунда вилоят кутубхоналарининг фаолиятини яхшилаш борасидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Семинар-кенгашда оммавий кутубхоналар ўртасида Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Яна олдим созимни» мавзусида вилоят кўрик-танлови эълон қилинди. Бу кўрик-танлов Қашқадарё вилоят маданият ишлари бошқармаси ва халқаро «Олтин мерос» вилоят жамғармаси томонидан ташкил қилинмоқда. Кўрик-танлов вилоятнинг оммавий кутубхоналарида ўтказилади. Танлов ғолиблари учун пул мукофотлари, «Олтин мерос» жамғармасининг эсдалик совғалари ажратилган.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Xorijda ta'lim

ЯПОНИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Японияда таълим тизими конституциянинг 26-моддаси, таълим тўғрисидаги асосий қонун (1947), мактабдаги таълим қонуни ва унга киритилган ўзгартиришлар, шунингдек бир қатор қонунлар ёрдамида тартибга солинади. Таълим вазирлиги (Монбусё) ҳамда маҳаллий (префектура органлари ва ўзўзини бошқариш ташкилотлари) бошқармалар таълим тизимини бошқаради. Мамлакатдаги ҳар қандай таълим кўриниши ва мазмуни, ўқитиладиган фанлар ва дарсликлар, моддий таъминот Таълим вазирлиги томонидан белгилаб берилади. Давлатга қарашли мактаблар бевосита Таълим вазирлиги томонидан, маҳаллий бошқарималарга тегишли мактаблар маҳаллий бюджетдан таъминланади. 1947 йилда қабул қилинган таълим тўғрисидаги асосий қонунга кўра, мактабдаги ўқиш 6 йиллик бошланғич, 3 йиллик ўрта ва 3 йиллик юқори ўрта мактабни ўз ичига олади. Ўқиш 6 ёшдан бошланади. Японияда давлатга қарашли, ўз-ўзини бошқариш органларига тегишли, хусусий мактаблар, айниқса хусусий болалар боғчалари (58 фоиз) ва олий ўқув юртлари (72 фоиз) мавжуд.

Аввало шуни айтиш керакки, япон оиласида билим олиш ҳар нарсадан устун қўйилади. Япон ўқувчи ёки талабаси тиришқоқлик билан ўқишни ўз бурчи дея ҳисоблайди. Кишининг жамиятдаги ўрни ва обрўси унинг билими даражасига боғлиқлигини тушунган японлар фарзандларида ўқишга бўлган жиддий ҳамда талабчан муносабатни болаликдан тарбиялаб келадилар.

МАКТАБ ТАЪЛИМИ

6 йиллик бошланғич ўрта мактабда (Шогакко) 6-12 яшар болалар ўқийди. Ўқув дастурига она тили, ижтимоий фанлар, аниқ фанлар, ахлоқшунослик, математика, мусиқа ва расм, жисмоний тарбия дарслари (ҳафтасига 24-29 соат) киради. Ўқувчилар 1000 га яқин пероглиф ўрганадилар, газета ўқиш учун эса 2,500 пероглиф билиш зарур.

Қуйи ўрта мактабда (Чюгакко)12-15 яшар ўқувчилар таълим олади. Ўқув дастури мажбурий ва ихтиёрий фанларга бўлинган. Мажбурий дарсларга бошланғич мактабдаги фанлар, ихтиёрийсига эса чет тили, техника, мусиқадан қўшимча машғулотлар, санъат киради. Ҳафтасига 30 соат дарс ўтилади.

15-18 яшар ёшлар учун 3 йиллик юқори ўрта мактаб — Котогакко мавжуд. Бошланғич ва қуйи ўрта мактаблардан фарқ қилиб, бу ерда ўқиш пуллик. Шундай бўлса-да, ўқувчиларнинг 95 фоизи ўқишни давом эттиради. Ҳар бир юқори ўрта мактаб кириш имтиҳонлари ёки тестларини миллий таълим дастури асосида тузади ва тўловни белгилайди. Юқори мактаблар ўз дастури ҳамда берилаётган билим даражасига яраша жамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга. Обрўли мактаблар иқтидорли ёшларни ўзига тортади. Одатда қуйи ўрта мактаб ўқувчилари ўқитувчилари маслаҳатига қараб юқори ўрта мактабни танлашади. Ўқитувчи кўрсатмаси синовларда катта аҳамиятга эгалиги сабабли, ҳамма унга жиддий ёндошади. Имтиҳонларда олинган натижалар ўқишда ҳам таъсирга эга бўлади, шунинг учун кўпгина компаниялар кириш имтиҳонларига тайёрловчи махсус курслар очган. Уларга 7-, 8-, 9-синф ўқувчиларининг 50-60 фоизи, 5-, 6-синфдагиларнинг 40-50 фоизи қатнайди. Юқори ўрта мактаблар умумий ва профессионал бўлимларга бўлинган. Умумий таълим аниқ фанлар ёки ижтимоий фанлар бўйича ўқитилади. Профессионал бўлимда эса беш йўналиш: техник, қишлоқ хўжалиги, денгиз саноати, тижорат ва рўзғоршунослик бўйича таълим берилади.

Обрўли мактаб ўқувчига яхши университетга кириш ҳуқуқини кафолатлайди, яхши университет эса келажакда етакчи ва илғор соҳаларда ишлаш имкониятини беради. Шунинг учун қаттиқ талабларга қарамай, юқори ўрта мактаб имтиҳонларида рақобат кучайиб кетади.

Интернет асосида ОЙБЕК тайёрлади.

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»...

Ана шу мавзуда Нукус шаҳридаги Қ. Айимбетов номли маданият техникумида қизиқарли учрашув кечаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси маънавият ва маърифат маркази раисининг ўринбосари, ёзувчи Ўрозбой Абдураҳмонов, Нукусдаги Беруний номли мадрасанинг илмий мудири Абдикарим ҳожи Латиф ўғли, шоир Халил Давлетназаров ва бошқалар келажагимиз, тараққиётимиз асоси бўлмиш маънавият ҳамда маърифат юзасидан маъруза қилдилар, ёшларни бой маънавий меросимизни чуқур ўрганишга, миллий қадриятларимизни эъзозга даъват этишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

Fikr, mulohaza, taklif

МУҲИМИ ПЕДАГОГНИ ТАЙЁРЛАЙ БИЛИШ

Миллий мустақиллик республикамизнинг барча жабҳаларига туб ўзгаришларни олиб кирмоқда. Шу жумладан халқ таълими тизимида ҳам ислоҳотлар кенг қулоч ёзмоқда, янги турдаги мактаб (лицей, гимназия, коллеж)лар фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур ўзгаришлар республикамиз халқ таълими тизимида педагогик таълимни ислоҳ қилишни, ўрта умумтаълим ва ҳунар мактаблари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини давр талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки халқ таълими тизимида ўқитувчи бош омилдир. Шунга асосан ҳозирги давр педагогика таълимининг бош вазифаси — бўлажак ўқитувчи-тарбиячиларда педагогик тафаккурни, педагогик маҳорат маданиятини шакллантириш, бу касбга муҳаббат уйғотиш, илмий-назарий ва амалий тайёргарлик ҳис-туйғуларини тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун аввало педагогик таълимни такомиллаштириш, унинг мазмунини тараққиёт, фан-техника ривожи асосида қайта қуришдан иборат.

Бизнинг техникумда педагогик таълим касб билан боғлиқ равишда олиб борилади. Педагогика фанининг ўқитилиши шу томони билан бошқа ўқув юртларидан фарқ қилади. Ўқувчиларга бериладиган илмий билимлар касб-ҳунар, ҳунар-техника таълими тараққиёти тўғрисидаги билимларни ташкил этади. Шу нақтаи назардан педагогика фанининг илмий-амалий аҳамиятини, унинг ривожланишини таъминлаш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммолар ечими ҳар томонлама баркамол, маънавий-маърифий жиҳатдан чиниққан авлодни тарбиялаш, унга бериладиган таълимнинг энг мақбул йўналишини аниқлаб, уни такомиллаштириш истиқболларини белгилаб олишга жуда боғлиқдир. Шу муҳим вазифани амалга оширишга хизмат қиладиган қуйидаги таклифларни айтмоқчиман.

1. Индустриал-педагогика ўқув юртлари учун педагогика фанидан замонавий дастур ишлаб чиқиш. Унда педагогик таълимнинг мазмуни кетма-кет, изчил, осондан — қийинга, оддийдан—мураккабга каби тамойилларга асосланиши керак. Дастлаб, педагогика фанининг умумий асослари, тарбия назарияси, таълим назарияси, ҳунар-техника билим юртларини бошқариш ва унга раҳбарлик тўғрисида маълумотлар бериш билан бирга педагогика ва меҳнат таълими тарихидан тушунчалар бериш лозим.

Бундан ташқари дастурда ҳозиргача педагогик таълим тизимидан назарда четда қолган, аммо педагоглик касби учун муҳим бўлган халқ педагогикаси асосини ташкил этган миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналаримизни ҳам ўрганиш масалаларини киритиш зарур.

Ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўқув юртини битиргандан сўнг, ҳунар-техника ёки ўрта умумтаълим мактабларига ишга боради ва у жойда ўз маҳоратини ошириш учун ўзга муаллимларнинг дарсларини кузатади. Шунинг учун янги тузилган дастурга дарс кузатиш ва уни таҳлил этиш борасида соатлар, лаборатория ва амалий машғулот ишларини киритиш керак.

Педагогика фанидан янги тузилган дастурда Ўрта Осиё маорифи мактаби тўғрисидаги маълумотлар, маънавий меросимизнинг бой дурдонаси ҳисобланган халқ педагогикаси материалларини қупроқ ўрганишга тўғри келади. Чунки халқ донишмандлигининг бу нодир манбаи халқимизнинг асрлар давомида тўплаган бой тажрибаларини, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий, эстетик, маънавий қарашларини ўлда, аммо бағоят теран ифодалайди. (Биз педагогика фанлари доктори, профессор К. Зарипов билан биргаликда шундайин дастур яратдик. — Ш. О.).

2. Педагогика фанидан ҳозирги кунда дарсликлар саноқли. Шуни инобатга олиб замон талабига жавоб бера оладиган дарсликлар яратиш долзарб муаммодир. Бусиз педагогик таълим мазмунини такомиллаштириш мушкул.

3. Ўқитувчилик касбига тайёрлайдиган барча ўқув юртларининг ўқув режаларига педагогика фани учун соатлар миқдорини кўпайтиришни тавсия этамиз.

4. Мазкур ўқув юртларининг талабаларидаги касбни севиши, касбий билимларга бўлган иштиёқни аниқлаш мақсадида улар кираётганда ва битириб чиқаётганда суҳбатлар, тестларни ташкил қилиш. Билим, кўникма, малакаларини баҳолашда рейтинг тизимини ёппасига жорий қилишни йўлга қўйиш.

5. Бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштириш лозим. Чунончи, республика Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўқитувчи маънавий жиҳатдан мукаммал, жисмонан баркамол, нафис дидли, ақлан теран, ғоявий чиниққан, меҳнатсевар, ватанпарвар бўлсагина миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга ҳисса қўшади ва Ватанимиз тарихини, аждодларимиз меросини ёшларга ўргата олади.

6. Ўқитувчиларни илмий-педагогик касбий билимларини такомиллаштириш мақсадида малака ошириш тизимини давр талабига мос равишда ривожлантириш.

Хулоса шундан иборатки, педагогика фани ўқитилишини такомиллаштирмай туриб, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-маърифий жиҳатдан баракамол қилиб тарбиялаш тўғрисида гапириш ноўрин.

Ширинбой ОЛИМОВ, Бухоро индустриал педагогика техникумининг педагогика фани ўқитувчиси.

ЗАКИЙ ЗИЁЛИ ЁХУД УБАЙДУЛЛА ХАНДА

Убайдулла Абдуллаевни Тошкент шаҳридаги муаллимлар орасида танимаган одам кам топилади. У киши Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли 106-мактабда болаларга математикадан сабоқ берадилар. Кўп йиллик самарали ўқитувчилик фаолияти учун Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси унвонига мушарраф бўлган. Убайдулла ака устоз деса устоз дегулик. Негаки, у киши мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўз ишини яхши билиши, меҳрибонлиги, жонкуярлиги, фидойилиги билан обрў қозонган бўлса, мактаб ҳаёти ва жамоатчилик, болалар тарбияси, одоб-ахлоқ ва қадриятлар мавзусида юзлаб мақолаларнинг республика матбуотида эълон қилган. Демак, у кишини кўпчилик меҳрибон муаллим ва журналист сифатида ҳам яхши танийди.

Убайдулла ака закий зиёли. Зеро, юзлаб хандалар, латифалар, аския пайровлар, масаллар, ҳажвиялар муаллифи бўлган Убайдулла Абдуллаевни закий зиёли десак ҳечам янглишмаймиз. Убайдулла ака зиёлилар даврасида, чунончи, Андижонда Сафий, Улфатий, Омонуллахон Валихонов, Тошкентда Ғафур Ғулом, Хабибий, Чустий, Собир Абдулла, Чархий каби замон зиёлиларининг гурунгларида кўп бўлган. Убайдулла аканинг ҳам ўз ўрни, сўзга чечанлиги билиниб, кўриниб туради. Убайдулла ака шоиртабиатлилиги, ҳалоллиги, инсофу диёнатлилиги, эътиқодлилиги билан олимлар, шоирлар, мураббийлар, созандаю хонандалар ўртасида ҳам шуҳрат қозонган. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун Убайдулла Абдуллаевнинг «Тўйлар ҳақида ўйлар» (1989), «Қалблар туташганда» (1990), «Бу шундай кўчаки...» (1993), «Ниятлар ижобатини топсин» (1994), «Аёл латофати» (1995) каби «Тошкент оқшоми» газетасида босилган мақолаларини эслайлик. Бу иншоларда инсоний саҳоват, меҳр-оқибат, ёшлар тарбияси, қадриятлар, тўйлар, Наврўз, кулги-ҳажвиёт ҳақида сўз боради. Мактаб ўқитувчиси, тағин математика муаллифи матбуотда халқимиз тилида ва дилида турган муаммоларни кўтариб чиқса қандай яхши. Бу ҳақиқий зиёлилик белгиси эмасми?

Ҳа, Убайдулла Абдуллаевни маҳалладошлари маҳалламиз кўрки, дўстлари содиқ дўст, ахдига вафодор, даврага файз киритувчи инсон, шогирдлари ҳақиқий устоз деганларича бор. Убайдулла акани ажойиб математика муаллими дедик. Хўш, бу закий муаллим шунча йил болаларни ўқитиб нимага эришди? Кўп ўқитувчилар каби унинг катта «бойлиги» бор. Бу ундан сабоқ олган шогирдлардир. Бу камтар муаллимдан сабоқ олган шогирдлар элулус хизматига камарбастадирлар. Оддий мактаб ўқитувчисининг шогирдидан бўлак яна қандай бойлиги буларди. Аслида ҳамма бойликлар меҳвари ҳам ана шу шогирдлар — ҳақиқий инсонлар эмасми?!

Убайдулла аканинг бошқа ўқитувчилардан фарқланадиган фазилатлари булар билан тугамайди. У мактаб ва оила, мактаб ва жамоатчилик мактаб ва бола тарбияси, қадриятлар ва урф-одатларнинг ўқувчилар тарбиясидаги ўрни масалалари бўйича куюнчаклик билан мақолалар ёзади, панд-насиҳатлар айтади. Бу иш кўпчилик ўқувчиларнинг қўлидан келмайди, албатта. Ҳатто мактабларимизда саводи ҳаминқадар бўлган, баъзан ўттиз икки ҳарфни тўғри ёзолмайдиган, умрида бирон бадиий китоб, кундалик газета-журналлар ўқимайдиган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Бу ўринда ўшандай ўқитувчиларга сабоқ бўлсин учун ҳамда Убайдулла аканинг ўзига хос ўқитувчи эканини тасдиқлаш учун у кишининг панд-насиҳат ва ўгитларидан баъзи қайдларни оққа кўчирсак.

Устоз ўқитувчи Убайдулла ака ўгитларидан:

Бола тарбияси — илгари ҳам, ҳозир ҳам кун тартибидан тушмаган, эскирмайдиган, ҳеч қачон кўз юмиб, назардан қочириб бўлмайдиган жиддий масаладир. Дунё миқёсида жиноятчиликнинг борлиги тарбия ишидаги жиддий нуқсонлар борлигидадир.

Одоб-ахлоқ, илм-фан, касб-ҳунар ёшликдан ўрганилади. Болаларнинг жоҳил, бемеҳр, шафқатсиз, ёвуз бўлиб ўсишлари оила кемтиклигидир. Жиноятчи фарзанд учун фақат оила айбдор.

Ватанни севиш — табиатни севишдан бошланади. Дарахтларга, меъморий обидаларга ўз исмларини ўйиб ёзаётганларда табиатга меҳр ҳисси тарбияланмаган. Гулларни, дарахтларни, ҳайвонларни, ҳашоратларни меҳр кўргазиш — табиатга, Аллоҳнинг улуғ неъматларига шукрона айтишдир...

Бундай пурмаъно битиклар — панд-насиҳатлар Убайдулла аканинг қўйин дафтарида минглаб топилади. Уларнинг кўпчилиги газета ва журнал саҳифаларида ҳам дарж этилган. У киши бола тарбияси, ота-она бурчлари, мактаб ва жамоатчилик, айниқса, маҳалланинг ўрни ҳақида ўнлаб мақолалар ёзган. Баъзи мақолаларининг номини келтирсак, зийрак ўқувчи сўз нима ҳақида кетаётганлигини англаб олиши аниқ. Мана, Убайдулла аканинг «Тошкент оқшоми», «Маърифат», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида 1989-1996 йилларда босилган баъзи мақолаларининг номлари: «Ёшликдагиси — тошга ёзилгандек», «Меҳр чашмаси», «Қалблар туташганда», «Бу шундай кўчаки...», «Аёл латофати», «Саҳоват ифодасини топсин», «Ота — қатиятли, она — қаноатли, бола — қобил» ва ҳоказо.

Юқорида Убайдулла Абдуллаевнинг ўқитувчи-зиёли сифатидаги фазилатлари ҳақида бирозгина тўхталдик. Энди у кишининг кулгусеварлиги, кулгу ижодкорлиги тўғрисида мухтасар сўзласак.

1988 йили Тошкентда «Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси» деган даргоҳ очилди. Бу ерда уюштирилган кулги кечалари ойнаи жаҳонда бир неча бор кўрсатилди. Ана шу тадбирларни амалга оширишда этнограф олим Билол Аминов, Айниддин Зайниддинов, Убайдулла Абдуллаев кўп меҳнат қилдилар. «Муштум кутубхонаси» туркумида «Кулги — шифо» (1990), «Келинг, бир кулишайлик» (1994) мажмуаларининг чоп этилишида ҳам Убайдулла ханданинг хизматлари бор. Бу мажмуаларда халқимизнинг ўлмас меъроси бўлган қизиқчилар ва аскиячилар ҳаётидан мухтасар лавҳалар, улар ижодидан намуналардан жамланган. Мажмуалардаги аския пайровлари, қизиқ гаплар, ҳангомалар, митти масаллар, ҳажвиялар республикамиздаги маданият масканларида кулги кечаларини ўтказишда катта ёрдам беради.

Убайдулла ханда эсини танибдики, халқ орасида. Катта сайллар, байрамлар, тўйлар, кулги кечалари, тантаналарга уни азизлаб таклиф қилишади, унинг ажойиб хандалари, қизиқчиликлари, аскиялари давраларга файз киритган, одамлар лабига табассум-кулги улашган. У ҳаётимизда рўй берган, бошқалар кўзига «арзимас» бўлиб кўринган кичик-кичик воқеалардан ҳам ўзига хос кулги чиқара олади. Шуниси эътиборлики, Убайдулла ханда ижод намуналарини доимо матбуотда муштарийларга ҳавола этишни яхши кўради. Унинг юзлаб хандалари, ҳажвиялари, пайровлари, қулоққа чалинган, бир қайнови ичида гаплари, масаллари матбуотда босилган. Моҳир аскиячи ва қизиқчи-ўқитувчи Убайдулла акага узоқ умр тилаймиз.

Омонулла МАДАЕВ, филология фанлари номзоди.

Dil izhori

ЮЛДУЗЛАРГА МЕНГЗАДИМ СИЗНИ

Устоз... Қалб қўрини, кўз нурини шогирдига беминнат ҳадя этган устоз. Улар ҳақида қанча гапирмайлик камдир. Зеро, шоир айтганидек:

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,
Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Ҳа, устозларимиз биз учун ҳаёт кўзгусидир. Чунки бизни камолга етказадиган, яхшилик сари етаклайдиган, ёмонлик ва тубанликдан асрайдиган, қалбларимизда меҳр-муҳаббат уйғотадиган зотлар ана шу камолот кўзгуларидир.

Бугун сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон ҳам — устоз. Устоз бўлганда ҳам эли, юрти, шогирдлари олқишига сазовор мураббийдир.

...Ушанда 10-синфда ўқирдик. Янги ўқув йили эндигина бошланган. Бизга 2 йилдан бери қадрдон бўлиб қолган тил ва адабиёт ўқитувчимиз Зокир ака Ҳусановни икки ойлик таътилдан сўнг интизорлик билан кутардик. Аммо синфхона эшиги илкис очилганда барчамиз ҳаяжон билан кутаётган устозимиз эмас, қўлида дафтар-китоб, 40 ёшлар чамасидаги оқ-сариқдан келган истарали, кўзлари кулиб турган бир аёл кириб келди. Бу кутилмаган меҳмонни кўриб барчамиз ҳайрон қолдик ва мен орадаги сукунатни бузиб:

— «Кечирасиз, ҳозир бизга Зокир ака дарс ўтишлари керак эди-ку», — дедим.

Кутилмаганда ёқимли, ширали ҳамда жарангдор овоз барчамизни сеҳрлаб қўйди: «Бугундан бошлаб, бу фандан сабоқни мен олиб бораман. Танишиб олайлик. Исмим Ҳалима Холмуродова».

Одмигина, аммо тўла жисмига ярашиб, ажиб бир ҳусн бағишлаб турувчи атлас кўйлак кийиб олган, сочлари орқасига чиройли турмакланган, лабларида ним табассум, самимият, меҳрибонлик, камтарлик лиммо-лим бу аёл бизга жуда ёқиб қолганди. Опа билан тезда топишиб кетдик. Ўша куни 45 минутлик дарсимиз қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдик...

Шундан сўнг аввалгидан ҳам ўн, балки юз чандон ортиқ орзиқиш билан бу дарсни кутадиган бўлдик. Опа ўзининг билимдонлиги, жозибали овози, теран фикри, дарс ўтиш услуби билан бизни ўзига мафтун этиб борарди.

Опа бизга нафақат мураббий, балки она ҳам эдилар. Дарсга бирор сабаб билан келмай қолсак, уйимизга бориб, аҳволимиздан хабар олиб келмагунларича кўнгиллари тинчимас эди. Мактабимизда Ҳалима опа тез орада барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар. Бу эса ул зотнинг аввало меҳрибон она, шу билан бирга ўз ишининг моҳир устаси эканлигидан далолат берарди.

Бу фанга қизиқишим ва меҳрим ўзгачалигиданми, Ҳалима опани жуда ҳурмат қилардим. Баъзида унинг келишини мактаб дарвозаси ёнида пойлаб турардим. Опанинг дарс ўтиш услублари нимагадир аввалги устозим Зокир акани эслатарди. Аммо сўрашга истиҳола қилардим.

Айни фан олимпиадаларига тайёргарлик кетаётган пайтлар эди. Ҳалима опа менга: «Устозингиз айтдилар, бу фандан олимпиадаларга борган экансиз, бу йил ҳам тайёргарликни бошласак», — дедилар бир куни дарсдан сўнг. Опа билан бирга ишлашни кўз олдимга келтириб қувончдан ўзимга сиғмай кетдим.

Ҳар бир киши ўзи ҳавас қилган, ёқтирган одамининг оиласи билан қизиқади. Бир куни Ҳалима опадан оилалари ҳақида сўраганимда, у киши жилмайиб шундай дедилар: «Асли қаршиликман. 1947 йилда туғилганман. 1964 йилда мактабни муваффақиятли битириб, Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг тил-адабиёт факультетига ўқишга кирдим ва у ерни 1969 йилда имтиёзли тугатдим. Фалакнинг гардиши билан Китобдек гўзал, баҳаво юртга келин, ус-тозингиз Зокир акага умр йўлдоши бўлиб келдим. 20 йилдан бери бирга турмуш икир-чикирларию илм-фан заҳматини бирга чекиб келяпмиз. 5 та фарзандимиз: 3 ўғил, 2 қиз ва 3 нафар бир-биридан ширин набираларимиз бор. Зиёли одам фарзандининг ҳам ўқимишли бўлишини орзу қилар экан. Худога шукр, фарзандларимиз бари ўқиган, ҳаётда ўз йўлини топган. Ўзим эса 15 йилдан бери мураббийлик қилиб келаман. Қўшни Нодира номли мактабда беш йил директор ўринбосари бўлиб ишладим...

Опанинг ҳикоясини тинглар эканман, унга бўлган ҳавасим ортиб борарди. Севимли, мен учун азиз бўлган устозимнинг шундай оқила, меҳрибон, очиқ кўнгил рафиқаси борлигидан шогирд сифатида ғурурланардим...

...Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Қалби қайноқ, меҳри дарё устозларим бағридан қалдирғоч мисол учиб, улар орзу қилган талаба номига муяссар бўлдим. Аммо жонкуяр устозим Ҳалима опанинг ёқимли овози, берган маслаҳату насиҳатлари худди онажоним ўгитларидек мудом қулоғим остида жаранглаб туради.

Яқинда Ҳалима опа муборак 50 ёшларини нишонладилар. Ўша куни опанинг шодлиги чексиз эди. Муъжазгина мактабимиз ҳовлиси опанинг шогирдлари билан тўла эди. Опа эса улар даврасида гул мисоли қувончдан очилиб кетган эдилар. Дарҳақиқат, ўзи ўтказган кўчат, йиллар ўтиб мева берганида, чеккан меҳнати роҳатидан ким ҳам қувонмайди, дейсиз.

Ўша куни сўлим гўша бўлмиш Китоб осмони узра чарақлаб турган қуёш ҳам гўё шодиёнадан бебаҳра қоладигандек, уфқда осилиб турган заррин нурларини йиғиштириб, истамайгина улкан тоғлар ортига беркинди! Сўнгра шодликларимиздан бенасиб қолмаслик илинжида юлдузлар «жимир-жимир»и тип-тиниқ, беғубор самони қоплаб олди.

Беихтиёр кўкда барча юлдузлар ичра чўғдек порлаб турган энг ёруғ юлдузга кўзим тушди. Опани ана шу юлдузга менгзагим келди. Биз шогирдлар эса унинг атрофида кўзга кўринибкўринмай турганларимиз. Ойлар ўтади, йиллар ўтади, опа айтгандек, тўлин ойдек тўлишиб, биз шогирдлар ҳам опа издоши бўламиз...

Нилуфар ОЧИЛОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ талабаси.

ЁЗДА ЯЙРАБ ЮРГАН БОЛАЛАР

Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Навоий шаҳри Меҳрибонлик уйида бугунги кунда 125 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда болажонларнинг ўз уйларидек яшашлари учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Дам олиш, компьютер ва маънавият хоналари кўнгилдагидек безатилган.

Ёзнинг айни жазирама кунларида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари шаҳардаги Муқимий номли мактаб қошида ташкил этилган «Аланга» болалар оромгоҳида дам олишмоқда. Оромгоҳ ўзининг футбол, волейбол майдонлари ва теннис кортига ҳам эга. . Хуллас, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилаётган мазкур оромгоҳда ўғил-қизлар қувнаб яйрашяпти.

Навбаҳор АСЛОН қизи,
Навоий шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси.

У ШУНДАЙ ЯШАЯПТИ

Санъат аҳлини тушуниш, уларга қулайликлар яратиб бериш учун инсон қалбида санъатни санъаткорлар даражасида сева олиш имконияти бўлиши керак. Бувайда туманидаги машҳур ҳофиз Расулқори Мамадалиев номи билан аталувчи болалар мусиқа мактабига раҳбарлик қилиб келаётган Содиқжон Сиддиқов ана шундай бахтли инсонлардан бири. 1960 йилда Самарқанд давлат мусиқа билим юртини тамомлаб, фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Содиқжон ака, 1964 йилдан бери мусиқа мактабига раҳбарлик қилиб келяпти. У нафақат болаларнинг мусиқа бўйича билимларини оширишга ҳаракат қилди, балки ўзи ҳам санъат соҳасидаги изланишларини давом эттириб 1969 йили Тошкент Давлат консерваторияси сиртқи бўлимига ўқишга кириб, 1975 йили бу даргоҳни қашқар рубоби мутахассислиги бўйича тугатди. Ўзи бошқараётган мусиқа мактабида янги бўлимларни ташкил қилиб, ўқувчилар қизиқишини янада орттирганлиги унинг олийгоҳда олган билимлари самараси десак арзийди. Болалар ҳам «Устоздан шогирд ўзар» деган мақолни амалда тасдиқлаб, туман, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилиб келинаётган кўрик-танловларда муттасил қатнашиб келишяпти.

Содиқжон ака эса доимо улар билан бирга. Биз юрагида санъатга беқиёс муҳаббат билан яшаётган бу фидойи инсонга омадлар тилаб қоламиз.

Ғуломжон ҚОСИМОВ,
Бувайда тумани болалар мактабининг олий тоифадаги ўқитувчиси.

Ijro

МЕҲРГА МЕҲР ҚАЙТАДИ

Юнусобод туманидаги 21-меҳрибонлик уйига кириб борганимизда кираверишда турган уст-боши кир, йиртиқ, танасини яра босиб кетган болакай диққатимизни тортди. Бу ерга келишимиздан олдин меҳрибонлик уйи ҳақидаги барча эшитганларимиз бир зумда ҳавога учгандек бўлди. Ҳайратимизни англаган уй директори Алла Демчук бизни ўз хонасига бошлар экан бу болакайни ҳам кўшиб етаклади.

— **Бизга кўпчилиги шу ҳолда келишади,** — деди Алла Демчук. — **Уни ҳам кеча ички ишларнинг қабул тақсимот бўлимидан ташлаб кетишди. Ўзингиз уни «таржимаи ҳоли» билан танишиб кўринг.**

— Исминг нима? — сўрайман мен.

— **Дима,** — жавоб беради.

— Ота-онанг қаерда?

— **Билмайман**.

— Шу ергача қаерда яшагансан?

— **Кўчада, уйларнинг ертўлаларида.**

— Ёшинг нечада?

— **Ўн бирда.**

— Дима, бензин ҳидлайсанми, — дея гапга қўшилди А. Демчук дабдурустдан. Аввалига бу саволнинг берилишидан маънини англамаган бўлсам-да, директорнинг юзидаги норозилик бироз англашилмовчиликка ойдинлик киритгандек бўлди.

— **Ҳа,** — дея жавоб берди Дима бошини ҳам қилиб.

— Нега ҳидлайсан, — дея сўрадим мен.

— **Ҳузурланаман,** — деди Дима кап-катта кишилардек.

Шу биргина воқеа, суҳбат меҳрибонлик уйлари нега керагу унга давлатимиз эътибори тобора ортаётганлиги боиси нимада деган саволларга жавоб бўла олади деб ўйлайман. Тўғри, бу ерга тақдир тақозоси билан болаларини боқиш имкониятидан айрилганлар беихтиёр қучоғидан узиб ташлаб кетганлар ҳам бор. Бироқ на ота-онасини танийдиган, на келажагини кўра оладиган бегуноҳ гўдакларни кўриб ачинасан, киши. Уларга давлатимиз шундайин шароит яратиб қўйганлигини кўриб эса кўнглинг таскин топади.

Бу йил Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан республикамиз ҳукуматининг алоҳида эътибори боис меҳрибонлик уйлари болалари таътил даврини тўлиқ ёзги дам олиш масканларида ўтказаётир. Жумладан 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам уч жойда, яъни «Тошкент» денгизи атрофидаги «Нефтчи», Паркентдаги «Салют», Оқтош дам олиш ҳудудидаги «Шабада» оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришмоқда.

Биз улар ҳаёти билан танишиш мақсадида Оқтошдаги «Шабада»га етиб борганимизда улар дам олаётган маскандан болалар қий-чувига аралаш оркестр садоси кулоққа чалинди.

— **Бизнинг ўз оркестримиз ҳам бор, барчаси ўзимизнинг ҳаваскорлардан ташкил топган,** — деди А. Демчук. — **Юринг, томошани улардан бошлаймиз.**

Ихчамгина бир хонага кирганимизда, қўлларига чолғуни ушлаган бир гала болалар дув этиб туриб «Ассалому алайкум» дея бизни қарши олди. Айримларининг қўлидаги чолғу асбоблари жуссасидан катта, айримларининг ўтирғичга ўтирса, оёғи ерга тегмайди. Уларга раҳбари Ришар Гафаров «Ўзбекистон мадҳияси»ни ўргатаётган экан. Болакайлар раҳбарининг бир имоси билан қўлларидаги асбобларни ишга шайлашди. Улар гимн мусиқасини шундай ижро этишдики, уни шу болакайлар ижро этганлиги учунми, қалбимда ўзгача бир жимирлаш пайдо бўлди.

Сўнгра ён-атрофда турли ўйинлар билан банд бўлган 30 нафарча бола бир пасда бизни қуршаб олишди. Уларнинг қандай дам олишаётганини сўраганимизда болалар бири қўйиб, бири гапира кетишди. Кимдир тоққа сайрга борганини, кимдир шаршарада мазза қилиб чўмилганини, кимдир мазали таомлар еяётганини, кимдир қўшни оромгоҳ болалари билан футбол ўйнаб ютганлигини, кимдир гуллар териб тарбиячи Надежда Милашенкога совға қилганлигини, хуллас, қайноқ ҳаёт лаҳзаларини сўзлай кетди. Улар менга ўз қадрдонидек, ҳеч бир ётсирашсиз муомала қилар, мен эса уларнинг кўзларидаги илиқликни кўриб, болада ҳам меҳр бўлишини, улар ҳам бу меҳрни кимгадир тортиқ қилишга интиқ яшашини яна бир бор англадим...

А. ЭРНАЗАРОВ.

СЎЛИМ ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

Хизмат тақозоси билан яқинда Бўка туманидаги 15-сонли меҳрибонлик уйи болаларининг ёзги дам олиш оромгоҳида бўлдик. Бизни оромгоҳ директори Икром Султонов очиқ чеҳра билан қарши олди.

— Биз болаларимизни бу ерда мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлардан тўла фойдаланяпмиз, — дейди оромгоҳ директори. — Ҳозирда бу ерда ўн икки тарбиячи, врач-ҳамширалар болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун бош-қош.

Меҳрибонлик уйи оромгоҳида биринчи мавсумда ҳар бир бола учун 1290 сўмдан пул ажратилди. Болалар бу ерда беш маҳал иссиқ овқат тановул қилишади. Гўшт, сут, сабзавот маҳсулотлари доимо бисёр.

Туман халқ таълими бўлими ходимларининг истаги битта. У ҳам бўлса болалар оромгоҳда мароқли ҳордиқ чиқарсинлар.

Қувончли томони шундаки, яқинда бу масканда катта тўй ўтказилди. «Ўзбекнаво» концерт бирлашмасининг раҳбари Анор Назаров 18 нафар боланинг суннат тўйларига бош-қош бўлди. Шунингдек, меҳрибонлик уйига туман «Нўроний» жамғармаси (раҳбари Деҳқон Эргашев) ҳам яқиндан ёрдамлашди.

Биз 7 ёшга тўлган Ҳасан, Ҳусан, Олимжону Андрей исмли тўй болаларнинг шодликларига шериқ бўлдик. Тўй болалар ҳам ўз навбатида ҳомий ташкилот раҳбарларига миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА.
З. УСМОНОВ
олган суратлар.

ТАЪТИЛ СОЗ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 172-фармойишига асосан ёзги соғломлаштириш ишлари қай даражада ўтаётганлигини билиш мақсадида биз вилоят халқ таълими бошқармасининг биринчи муовини Саидаҳмад Усмонов ҳамроҳлигида бир қатор оромгоҳларда, хусусан Ургут тоғларида жойлашган Омонқўтон қишлоғидаги «Севасой» оромгоҳида ҳам бўлдик. «Севасой»га кираверишда «Хуш келибсиз», «Ассалому-алайкум» сўзлари ва бошқа мустақиллик манзаралари акс этган суратлар композициялар эътиборингизни ўзига жалб этади. Спорт майдончалари, тўгарак машғулотлари ўтадиган хоналар болалар билан гавжум.

Бу ерда 10-меҳрибонлик лицей уйи директори Малик ака Рўзиқулов билан учрашдик. Директор бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Кўп вақтлар фойдаланилмай келинган бу оромгоҳни 1996 йилда барча павильонлари, биноларини сифатли таъмирладик ва болалар дам олишини йўлга қўйдик. Бу йил ошхона, озиқ-овқат омборлари каби қўшимча биноларни қайтадан қурдик. Болаларни тоза сут билан таъминлаш мақсадида Ургут тумани Навоий деҳқон хўжалигидан тўрт бош зотли сигир сотиб олинди. Ҳар куни эрталаб болалар иссиқ сут ичадиган бўлишди...

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бу масканда ҳар мавсумда 135 нафар бола мириқиб дам олмоқда. Болалар ётоқхоналари дид билан безатилган. Телевизор, радио, кутубхоналар ташкил қилинган. Бу йил оромгоҳ икки навбатда дам олувчиларни қабул қилади. Шунга яраша озиқ-овқат заҳиралари ҳам жамланган.

Биз «Севасой» оромгоҳида дам олаётган Зоҳид Эсанов, Олена Карненко, Наргиза Саидова ва Шавкат Маъруповлар билан қилган суҳбатимизда ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускорликни қўлга олиб иш тутилса, болаларнинг шод-ҳуррам дам олишларини таъминлаш мумкин эканлигини юракдан ҳис этдик.

Умуман Самарқанд вилоятида 1997 йил мобайнида 98 та мактаб қошидаги оромгоҳларда 8 минг нафар, 6 та шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда эса 2500 дан зиёд ўғил-қизлар ҳордиқ чиқараётир.

Эшмирза МАҲМУДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Nasr bo'stoni

СЕН КУЙЛАГАН БОҒ-РОҒЛАР...

Муяссар Умирова 1955 йил 29 октябрда Қўқон шаҳрида туғилган. Асли касби педагог. 1995 йил Жиззах вилояти Зомин туманида ўтказилган ижодкор ўқитувчиларнинг IV Республика анжуманида ўзининг «Излайин қаерлардан» романи ва бир қатор қисса ва ҳикоялари, публицистик мақолалари билан иштирок этган. Айни пайтда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси Таҳрир ва нашриёт бўлимида катта муҳаррир вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Энди «Излайин қаерлардан» романи ҳақида икки оғиз сўз.

Маълумки, мунаққидларимиз томонидан яратилаётган асарларда аёл қалбидаги сирли, сеҳрли туйғулар, эҳтиросларини, кечинмалар олами ҳали тўлалигича очилмагани, ёритилмагани, бир неча бор таъкидлаб ўтилган. Адабиёт майдонига ўзининг йирик асари — «Излайин қаерлардан» романи билан кириб келган М.Умированинг мавзуси ана шу маълум даражада қоронғи қолган саҳифаларни ёритишга, аёлларимизнинг кенг оламини очишга қаратилган бўлиб, бу айни пайтда ёзувчининг улкан ютуғидир. Асарда собиқ тоталитар тузумнинг нотўғри сиёсати туфайли яқин ўтмишимизда рўй берган ижтимоий-маънавий бузилишлар, халқимиз бошига тушган мусибатлар қаламга олинган бўлиб, уларнинг барчаси аёл қалбининг изтироб-исёнида акс эттирилган.

Ёзувчининг кўп сонли қаҳрамонлари орасида афсонавий бахт қуши «Ҳумо» тасвирида Шоира образи бутун асар сюжети давомида алоҳида чизиқ билан ўтган. Халқининг арзанда, етук шоираси Зулфия қарашлари, ижоди ўз аксини топган. Айниқса, уруш даврида фронт орқасида қолган қиз-аёлларимизнинг ҳижрон азоби, меҳнат оғирлигини шеърият, Ватан, муҳаббат ва вафони куйлаган Зулфия шеърлари енгиллатган, далда берган, руҳлантирган. Муаллиф шоира шеърларининг фсункор қудратини гоҳо қаҳрамони Зумрад холанинг хотиралари, гоҳо қиз-жувонларнинг шодлигию айрилиқ нидолари заминида берар экан, шоира образи ёрқин тимсол сифатида ўқувчи фикрига етади, уни ўзи билан етаклайди. Қуйида ушбу романдан бир парча ўқийсиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Зумрад хола ётавериб зерикди. Ўтиришга ҳам мадори йўқ. Юрагидаги оғриқ ҳамон босилмаган. Худди олов пуркаётгандек нафас олиши қийинлашиб борарди. Бошини зўрга кўтариб, шамол бўлишига қарамай деразани хиёл очди. Лаълихон кеттан кундан бошланган гармсел ҳалигача кўз очирмайди. Ҳамма ёқ чанг, гирдироб. Оловли ел очиқ баданга, юзларга ёқимсиз тармашади, юракни беҳузур қилади. Хонага ёпирилиб кирган сассиқ буйдан нафас олиши баттар қийинлашди. Устига-устак раисникидан келаётган уйин-кулги, музика овозлари аниқроқ эшитилиб, юрагига наштардек санчила бошлади. Лекин нимагадир деразани ёпмади, ёпишга мажоли етмадими ёки ўзи истамадими...

У шу куйи боққа паришон термулиб ётарди. Ёруғ кунлар хотираси кун сайин ундан узоқлашар, қаёққадир номаълум бўшлиқ сари кетиб борар, тўхтатиб қолишнинг сира иложи йўқ эди.

У энди кўнглини яшнатадиган, бутун борлиғини нурга чўмдирадиган боғ тимсолида кўнглида алам қўзғайдиган нимадир пайдо бўлганини ҳис қилар, ҳис қилган сари дарди яна оғирлашаётгандек бўларди. Омонат боғ қиёфаси ўлим чангалида ётган — кундан-кун суниб бораётган ҳаётга ўхшарди гўё.

Ярим ялангоч дарахтлар изғиринда вазмин чайқалар, шохлардаги сўнгги барглар қалт-қалт титрарди. Ерга бирин-кетин узилиб тушаётган сариқ-қизғиш баргларнинг ранги ўча бошлаган, уларнинг куни биттанидан далолат берарди. Устига-устак шамол жазаваси тутгандай тинимсиз увиллар, гўёки боғ бағрида кезиб юрган таниш-нотаниш шарпалар жон талвасасида, у томон талпинаётгандай «Қутқариб қолинг» дея илтижо қилаётгандай. У елғиз узинигина ёрдамига умидвор бўлиб турган аждодлар оҳи эди. Уларга ёрдам бериш унинг бурчи. Аммо бу бурчни жуда яхши билгани қолда қўл қовуштириб ўтириш, қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳис этиш нечоғлик оғир...

Илгарилари бу ерларда ҳаёт бутунлай бошқача эди. Ариқларининг суви зилол ва шифобахш, ҳавоси минг бир дардга даво...

Дош беролмай юзини четга бурди. Боғнинг ўнг томонидаги Онасойга кўзи тушди. Мана шу маскандан ўтган неча юз йиллик долгали ҳаётнинг гувоҳи бўлган кундан-кун мадорсизланиб, қувватдан қолиб бораётган Онасойнинг бутана суви гўё инграниб-инграниб оқаётгандек туюлиб кетди. Юраги эзилди. Тасалли топмас аламлар бутун вужудини кемира бошлади. Ва ниҳоят қалбининг тубида чўкиб ётган дарду-аламлари мунгли бир хитоб бўлиб сиртга отилиб чиқди...

Оҳ, Онасой! Мана сен шўрлик ҳам бир томчи қонинг қолгунча ўлим билан олишаётирсан! Аслида ана шу масканга ҳаёт ато этган сен эмасмидинг?! Ҳаёт бир ерда тўхтаб турмаганидек сен ҳам тинмасдинг. Сени бир вақтлар «Ҳаёт чашмаси» деб атардилар, эъзозлардилар. Сен олис аждодларга ҳам обиҳаёт бағишлаб келгандинг. Пайдо бўлганингдан бери неча бор ўзанингни ўзгартириб неча бор соҳилларинг янги қиёфага кирганини ҳеч ким билмайди. Неча қишлоқлар яралиб, нечанечаси йўқолиб кетди, неча элатлар пайдо бўлиб, қанчаси кетди, қанчаси бир умрга сақланиб қолди. Сен эса доимо бор эдинг. Доимо қўпириб, тўлиб-тўлқинланиб оқардинг. Баҳор ойлари одамлар қудратингдан қўрқиб ёнларингга шох-шаббалар босардилар, дамба ташлардилар, қирғоқларингни баланд кўтаришга уринардилар. Аммо сен бўйин эгмасдинг, тошиб чиққудек ҳар ён талпинардинг. Гўё оламга сиғмасдинг. Уз марҳаматинг билан қалбларда қуриб қолаёзган чашмаларга қайтадан шижоат бахш этардинг. Бутун жонзотнинг ташналигини қондирардинг, обиҳаёт таратардинг. Қирғоқларингда чаманзор боғлар, кўм-кўк майсалар... мажнунтоллар гўёки саховатингга қуллуқ қилгандек бош эгиб туришарди. Ҳамма ёқ гузал ва бокира эди. Бу ерда яшнаган ҳаётнинг жўшқинлиги ва гўзаллиги бир-бирига ниҳоятда уйғунлашиб, чирмашиб кетганди, дилларни қувонтирарди, буйингдан одам аримасди, илиқ бағрингда чўмилаётган болаларнинг қий-чуви қулоқни қоматга келтиргудек эди. Кексалар эса мажнунтолларинг салқинида, баланд чорпояларда ён-

(Давоми 4-бетда).

Sport

ТАЖРИБА УСТУНЛИК ҚИЛДИ

Ўзбекистон биллур соврини мусобақаларининг яна бир ярим финалчиси аниқланди. Бу ўз майдонида Қаршининг «Насаф» жамоасини 4:0 ҳисобида мағлуб этган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасидир. Ғалаба тўпларини Е. Назаров, А. Абдураимов, Д. Назаров, Э. Стрелцовлар киритди. Кўпчиликка маълумки, дастлабки учрашувда қашқадарёликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Умумий ҳисоб бўйича эса омад пойтахтликларга кулиб боқди.

БАХТЛИ КЕЛИШМОВЧИЛИК

Ўтган йилги Бирлашган Араб Амирликлари чемпионатининг якунида «КаМАЗ» дарвозабони Муҳаммад Нозим жамоа раҳбари билан келишмай қолганди. «Спорт-Экспресс» газетасининг хабар беришича Муҳаммад яқинда Голландия жамоаларидан бирида машғулотларини бошлади.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИШДИ

Яқинда Финляндия Лахте шаҳрида спортнинг каноэ тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақада юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида 9-ўринга кўтарилишди. Айниқса, А. Астанин, А. Виликов, А. Соцкий, И. Севястяновлар тўртлиги беллашувларда яхши иштирок этишди.

9 УЧРАШУВДАН 8 ОЧКО

Куни кеча ўсмирлар ўртасида шаҳар биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақада 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 54 нафар шахматчи иштирок этишди. Бош соврин 9 учрашувдан 8 очко жамғарган спорт усталигига номзод Антон Филлиповга насиб этди.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Тель-Авивда ўтказилаётган Бутунжаҳон яҳудийлар ўйинларига бораётган Австралия терма жамоаси спортчиларининг автобуси Яркон дарёси кўпригидан пастли[illegible] қулаб тушди. Натижада ик[illegible] ши вафот этди, 40 киш[illegible] роҳатланди. Шунга [illegible] «Фалокат оёқ ос[illegible]

maydoncha si

Кечки сайр.

Iqtidorlilar oromgohida

«ҒОВА» КАШФИЁТЛАРИ

«Ғова» ёзги оромгоҳнинг номи. У Наманган вилоятининг Чуст туманида. Бу ерда фақат иқтидорли болалар дам олишади.

Вилоят олимпиадаларида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлган юқори синф ўқувчилари ҳар йили бу ерга таклиф қилиниб, ҳам чиниқадилар, ҳам физика, математика, химия, биология фанларига доир билимларини оширадилар.

«Ғова» оромгоҳида дам олган турли вилоят ёшлари бу йил яна ҳам сараланишди. Ғолибларга... гилам, икки кассетали Япония магнитофони ва бошқа эсдалик совғалари топширилди.

Бу оромгоҳ ва унинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад нима? Мухбиримиз республика таълим маркази директори муовини Нарзиқул Турдиевни суҳбатга чорлади.

— «Ғова»да иқтидорли болаларни тўплашдан муддао нима?

— Чуст туманининг манзарали жойидаги бу оромгоҳда вилоят миқиёсидаги математика, физика, химия, биология олимпиадаларида биринчи ўринга сазовор бўлган ўқувчиларгина дам олишлари мумкин. Мақсад — боладаги иқтидорни, истеъдодни ривожлантириш. Март ойида олимпиадалар бўлиб ўтгач, ғолиблар билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, ғолиб ўзи билан ўзи бўлиб юраверади. Энди эса сараларнинг сараси деб топилган ўқувчи «Ғова»га ташриф буюриб, 12 кун мобайнида текин дам олади, ўз билимини чуқурлаштиради.

— Алоҳида қобилиятга эга дам олувчилар билан кимлар шуғулланишади?

— «Иқтидор-97» деб номланган ёзги мактаб аслида 7 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб физика, математика фанларига қизиқувчилар келишган бўлса, икки йилдан бери химик ва биологлар ҳам дам олишяпти. Улар билан очиқ мулоқот ва машғулотларни олимлар олиб боришади.

— Масалан, қайси олий ўқув юртларидан?

— ЎзФА математика институтидан Сатимов, ТошДУдан Мирфозил Мирзаахмедов, Комил Турсунметов, ядро физикаси институтидан Мақсуд Қаюмов, Низомий номидаги ТДПИдан Аҳмаджон Бойдадаев, Наманган давлат университетидан Абдулла Аъзамов кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу олимлар иштирокидаги суҳбатларда иқтидорли болалар дарсда эшитмаган янгилик ва кашфиётлардан бохабар бўлишади.

— Бу ишнинг ташаббускори аслида кимлар?

— Албатта, халқ таълим вазирлиги. Чунки бу ҳақда вазирлик қайғурмаса, ташвиш чекмаса, ўқувчидаги қобилият ривожланмасдан сўниб қолиши мумкин. Бу йилги дам олиш мавсуми олдидан республика Халқ таълими вазирлиги истиқболли институтлар ва инновация институти билан 19 июнда қўшма буйруқ чиқарди. Унга асосан, қобилиятли ижодкор болаларни ўқитиш ва дам олишини таъминлаш борасида VII «Иқтидор-97» номли ёзги мактабни ташкил этиш анъанасига содиқ қолинди. Умуман айтганда, бу йилдан йилга ажойиб, хайрли тадбирга айланиб бормоқда.

— «Ғова»да дам олган ўқувчилар сараланибди, уларга гилам, магнитофон совға қилинибди, деб эшитдик. Бунга қайси ядора ҳомийлик қилди?

— Эшитганларингиз рост. Ўтган йили ҳомийларимиз фақат эсдалик совғалари билан кифояланишган эди. Бу йил 8, 9, 10-синфлар бўйича физика, математика фанларининг 6 нафар ғолибларига 6 та гилам совға қилинди. Химия, биология фанлари бўйича ўзининг чуқур билими билан кўзга ташланган яна 6 нафар ғолибга икки кассетали Япония стерео магнитофони тортиқ қилинди. Ва ниҳоят, учинчи ўринни эгаллаганларга вилоят халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари улашилди.

— Ҳомийлар ҳақида гапиришни унутдингиз...

— Юртимиз истиқболи, ёшлар камолоти учун жон куйдирадиган, қизиқадиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган ҳомийларни излаб топсак бўларкан. «САРМЕХС» деб номланган компания президенти Эргашбой Сариқов бизнинг таклифимизга бажонидил рози бўлди. Ўтган йилги совғаларни уюштиришда ҳам бу инсон мурувват кўрсатган эди. Келаси йилги энг билимдон, зукко ўқувчига у машина ҳадя қилмоқчи! Бундай таълим ҳомийларига раҳмат айтиш камлик қилади, уларни олқишлаш ва кези келса тақдирлаш ҳам керак!

— Тўғри айтасиз! «Ғова» кашфиётлари кўпаяверсин! Сизга ҳам раҳмат!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Нимкоса гаплар

ТАХТА ВА РАНДА

— Нега мунча менга ёпишиб тармашганинг-тармашган, — дебди тахта рандага.

— Аканг ҳам менинг хизматим билан чўрой очиб, шунчалик баланду мўътабар жойга кўтарилган эди, — дебди ранда.

КАЛИШ ВА ПАЙПОҚ

— Афтинг бунчалик кир, лой ва чанг, тоза ва озода юрсанг бўлмайдими, — дебди пайпоқ калишга.

— Ўзим лой, чанг бўлсам ҳам сени тоза сақлаш учун хизмат қиламан-ку нодон, — дебди калиш.

Мирфайз ҚОЗОҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

1997-98 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга Республикамиздаги барча мактабларнинг 9-синфини тугатган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 1997 йилнинг 5 августидан 25 августигача қабул қилинади.

Лицей-интернатнинг 10-синфларига ўқувчилар математика, физика ҳамда она тили ва адабиётдан тест, суҳбат синовлари асосида қабул қилинади. Қабул махсус жадвал асосида 27-28 августда ўтказилади.

Лицей-интернатда математика, физика, кимё, информатика фанлари ва хорижий тиллар махсус дастур асосида чуқур ўргатилади.

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор — ўқитувчилари олиб борадилар.

Вилоятлардан лицей-интернатга қабул қилинган ўқувчилар лицей биносида жойлашган шинам турар-жой ва бепул овқат билан таъминланадилар.

Вилоят олимпиадалари ғолиблари лицейга синовсиз қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар

1. Директор номига ариза.
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳномадан кўчирма.
3. 086/у формадаги тиббий маълумотнома.
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. 3/4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
6. Маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳри, 700100, Горбунов кўчаси 5-уй (4-бино)
телефонлар: 53-32-44.

(Боши 3-бетда).

СЕН КУЙЛАГАН БОҒ-РОҒЛАР...

бошлаб кўк чойни майдалаганча ширин суҳбатлар қуришарди. Қиз—жувонлар эса, ям—яшил ўт—уланлар олдига кўрпачалар тўшаб олиб, дўппи—қийиқлар тикишарди. Ғазалхонлик, шеърхонлик бўларди. Сувга келган келинчакларнинг қувноқ кулгисидан олам яшнаб кетарди. Улар қўлларида кўзаларини авайлаб кўтарганича тошлоқ суқмоқлардан эчкидек чаққонлик билан юриб келишарди. Сув бўйида анча туриб қолишарди, гоҳ кулишиб бир—бирларига сувлар сачратишар, гоҳ шодон қушиқлар куйлашарди. Мажнунтол новдаларидан гултожлар ясаб, бир—бирларига ҳадя қилишарди...

Зумрад хола севиклиси билан шу ерда ўтган маъсум дамларини эслаб энтикди. Тонгдаёқ сенинг бўйингга ошиқардик. Назиржоним сойга ювингани тушарди. Қулимда челак, елкамда сочиқ билан мен ҳам тушиб келардим.Назиржонимнинг шапиллатиб ювинишларини завқланиб томоша қилар, ийманибгина сочиқ тутардим. Боғда ишлаб, чарчаган кезларимизда анаву супачада ўтириб дам олардик. Баъзан ойдин кечаларни шу ерда ширин суҳбатлар қуриб ўтказардик. Энг юксак орзуларимиз ана шу ерда туғиларди.

Ҳа, сен биз учун ҳам азиз эдинг қадрдон сой!

Сенда келажак наслларнинг ҳам ризқ—насибаси бор эди. Ҳали уларга ҳам хизмат қилмоғинг, обиҳаёт улашмоғинг керак эди.

Аммо... Ичидан йиғлашми, ўқинишми, ўзиям англолмаган бир туйғу қўйилиб келди, кўзлари ёшланди. Назиржонимга ўхшаб сени ҳам унутдилар. Кундан—кунга кичрайиб, куч—қувватдан қолиб, мадорсизланиб боряпсан. Теварак атрофинг ҳам қашшоқланиб қуриб қовжираб..

Ҳамма ёқда бетон ариқлар. Атрофида на сув, на дов—дарахт бор ва на бирон бир гиёҳ... Кўзни қувонтирмайди. Ғуё саҳродан заҳарли илон чопиб утаётгандай... табиат топталмоқда, ер ҳолдан тойган, қаттиқ касалга чалинган, сувлар бузилган, одамлар, усимликлар ҳайвонат олами заҳарланмоқда. Ҳаммаси бекадр ва забун. Эртанинг узоқ келажакнинг ташвиши, авлодлар тақдири ҳеч кимни қизиқтирмайди... У кўксига ҳаво етишмай, деразани каттароқ очди. Шабаданинг қанотига илашиб кираётган бадбўй хид хонага ёпирилиб кирди. Кўзга кўринмас ғубор аралаш қўланса хид димоғига урилиб, кунглини бадтар беҳузур қилди. — Руҳингни ҳам, жисмингни ҳам заҳарлашади, — деди лаблари аламдан титраб. Устига—устак раисникидан келаётган мусиқа садолари, алёру—хуррамлик овозлари янада қаттиқроқ эшитила бошлади. Беихтиёр ўша томонга назар ташлади. Чаккасига ғуп—ғуп қон келди. Кўз олдида ғалати телба—тескари манзаралар намоён бўла бошлади: Чироқларнинг шуъласи май ғулдирилган қадаҳларнинг жаранг—журунги ширакайф, беўхшов башаралар, қаҳ—қаҳалар... бошқа томонда эса изгирин совуқда пахта териб юрган одамларнинг болаларнинг ингроқ овози, жон таслим қилаётган кексаларнинг сўнгги нидоси, ғудаклар чинириги, кўзида ёши қуримаган кексаларнинг сўнгги нидоси, бағри қон бевалар, оналарнинг аламли фарёди эшитилаётгандай бўлди. Уларнинг ҳаммаси айқаш— уйқаш бўлиб ғуё мусибат қўшигини ижро этаётгандай. Осмону—заминни титратиб, узларининг забун қисматларига жавоб излаётгандай...

У бошини кўтариб, хонтахта устида турган иккита тугмачадеккина дорини олиб келини қўйиб кетган чой билан кетма—кет ичди... Ҳаёт машаққатлари билан умр бўйи мардоновар олишиб келган Зумрад холани охирги йилларда бошига тушган ташвишлар, бир дам тинчлик бермаётган ўтган йиллар сарҳисоби—ҳамма—ҳаммаси муштдеккина юрагини эзиб, янчиб ташлади. Мана неча кундирки, тўшакка михланди—қолди. Ҳаёлчан, бўлар—бўлмасга хўрсинадиган, тез—тез йиғлайдиган бўлиб қолди. Тушкун кайфиятлар бутун вужудини қамраб олган, ғалати хаёллар миясида тез—тез ғужғон урадиган бўлди. Орзу умидлари қаронғи хўжрага қамалиб қолгандай, изтироб чекаётгандай. Узи эса ғуё шарпага айланган. Боғ — роғлар атрофида соқчи шарпадек туну—кун изгиб юради. Уларни қўриқлайди...

Зумрад холанинг кўз олди қоронғилашиб, вужуди музлай бошлади. Бир пайт юзига туша бошлаган сув томчиларидан узига келгандай бўлди. Ҳаво айнинган осмонда қоп—қора булутлар сузиб юрар, боғ ичи қорангилашганди. Момоқалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақди. Унинг ёгдуси боғ ичини бир зумга ёритгандай бўлди. Ёмғир ҳамон томчиларди. Бошини кўтариб, деразани ёпишга мажоли етмас, тинимсиз ёш қуйилаётган кўзларини боққа тикканича ётарди. Дарахтларнинг ёнбошидан оқиб тушаётган томчилар, унинг кўз ёшларига ўхшар, назарида боғ ҳам узига қўшилиб йиғлаётгандай эди. Ёмғир ҳамон томчилар, ғуё боғнинг руҳини ҳам саваларди. Раиснинг ҳовлисидан келаётган алёру хуррамлик овозлари ёмғирни писанд қилмас, унга қасдлашгандай тобора авж олиб борарди. Ошхона томондан Мунисхоннинг нимадир тўғрагани эшитиларди. Зумрад хола эшима билан овутишни билмади. Дераза токчасидаги китобни қўлига олди. Унинг биринчи саҳифасини очиб, бутун умр покиза қўл билан қалам тебратган, самимийлиги, сахийлиги, донолиги ва ақл—заковати билан гўзал қиёфада боқиб турган аёл рухсорини кўрди. Шоиранинг таниш қиёфаси машъум уруш йилларини ёдига солди.

Ушанда туман марказига унинг янги китоби келганини эшитиб, тўртбеш аёллар билан ёпирилиб боришганди. Китоб жуда оз қолган экан, ҳар қалай қўлларига биттадан тегиб қолди. У «Ҳижрон кунларида» деб номланарди. Шу кеча Зумрадхон тунларни тонгга улади. Тез орада китоблар деярли бутун қишлоқни айланиб чиқди. Аёллар қўллари ишдан бўшади дегунча бир ерга тўпланишар, саводлилари ўқир, қолганлари қулоқ солишарди. Шоиранинг севги ва висолдан тўлқинланиб битган сатрларидан диллари яйрар, кўнгиллари қувонарди. Ҳижрон ва интизорликдан изтироб чекиб ёзилган дарду-аламга тўла сатрлари эса тамоми жонларини зирқиратиб юборди. Эшитишларига қараганда, ўша пайтларда шоиранинг умр йўлдоши ҳам ҳалок бўлган экан. Унинг бошига тушган оғир мусибат аёлларнинг кулфати ва қайғусига уланиб кетганди. Улар шоирага қўшилиб нола чекардилар, кўнгилларини бўшатардилар. Назарларида бутун вужудларини ларзага солаётган, лекин сўз билан ифодалаб бўлмас қалб нидолари юракларидан заррама—зарра кўчирилиб, ўша сатрларга жойлангандек. Оғир дамларида шоира уларга тасалли бера оладиган, кўнгилларини бўшатадиган энг яқин дўстларига айланиб қолганди. Унинг шеърларини ўқиган сари ўқигилари келар, маст қилувчи оҳанги ва лаззати кучидан қутилиш амри маҳол эди. Шоиранинг шеърияти бутун умр танҳоликка маҳкум аёлларининг мажруҳ қалбини ёритиб, эътиқодга садоқат, яшашга—муҳаббат каби юксак туйғуларни онг ва шуурларига қуйиб борарди. Аёлларининг юрак дардларига малҳам бўлган, жасоратга, садоқатга чорловчи бундайин буюк Аёл сиймоси қаршисида бош эгиб таъзим қилардилар...

У китобни варақлаб ўқимоқчи, узини овутмоқчи бўлди... Лекин...

Биринчи саҳифадаги суратни яна очди. Шоиранинг таниш чеҳрасига тикилганича, беихтиёр хитоб қила бошлади. Бир пайтлари изтиробларимизга қўшилиб изтироб чекардинг. Ҳаётики сен ҳам бизни...

Йўқ-йўқ... ҳаёлига келган шубҳаларни узидан қувишга ҳаракат қилди у... Йўқ-йўқ... Биламан, ҳаммасини биламан... Сен ҳам иложсизсан...

Бир пайтлари сен ҳам бахтиёр эдинг. Афсонавий «Ҳумо» қуш мисолида диёримизнинг ҳамма ерида қанот қоқиб учиб юрардинг. Оппоқ гуллаган чаманзор боғлар оёқларинг остида паёндоз бўларди. Сени овутарди. Мусаффо ҳаводан тўйиб симириб, олам гўзаллигига маҳлиё бўлиб, ёниб—ёниб куйлардинг. Ҳа икки қалб сози бахт ва шодликни, муҳаббату—садоқатни таранним этардинг. Сени бахт ва шодлик куйчиси—эзгулик элчиси деб атардилар. Юртингни бенихоя севардинг. Ариқ ва чашмаларини жаннат ариқларидан ортиқ кўрардинг. Қушларнинг нағмаси, ҳаётнинг гўзаллигидан чексиз лаззатланардинг.

Оҳ Шоирам, сен куйлаган боғ—роғлар энди йўқ. Овозингга тақлид қилиб куйловчи қушларнинг нағмаси тинган. Сен севган, жаннат ариқларидан ортиқ кўрган ўша ариқ ва чашмаларда обиҳаёт ўрнига заҳар ва зуққум оқмоқда, имону имонсизлик, қабоҳату разолат қўшилиб чирмашиб, замин томирларига қўйилиб, бутун жонзотни заҳраламоқда, талон-тарож қилмоқда. Инсон аъзосиннинг биронбир нуқтаси йўқки, ундан озорланмаган бўлса, ҳа, оби замзам билан омухта у заҳар инсон қалбининг ҳамма бурчакларини, бешиқда ётган боласигача шафқатсизларча талон-тарож қилмоқда, топтамоқда. Наҳотки сен буларни кўрмаяпсан Шоирам!

— Шубҳали ўйлар яна хаёлига ёпирилиб кела бошлади унинг. Ахир бир пайтлар изтиробларимизга қўшилиб қайғурардинг, кувончларимизни тўлиб тошиб тараннум этардинг. Ёзган шеърларингнинг ҳар бир сатри кўзларимизга тутиё эди, дардимизга малҳам, юрагимизга қувват бахши этарди. Наҳотки сен ҳам бизни унутдинг.

Зумрад холанинг кўзларидан томган икки томчи ёш суратга оқиб тушди. Унга янада қаттиқроқ тикилди. Сурат ғуёки тилга кирди. Унинг ичидан шоиранинг овози узуқ-юлуқ отилиб чиқаётгандай бўлди. — Биламан Зумрад шунинг учун ҳам қалбим оламга тўла туйғуларим топталган, қанотим қайрилган, қалбим яраланган. Кўнглим синиқ овозим бутиқ. Аламларимни кўз ёшларим билан сатрларга жойлайман. — Ҳа халқимга тақдим қилиниши керак бўлган, лекин замонанинг зулми билан уларга етиб бора олмаётган сатрларга. Улар кўз ёшларим билан бутуни ҳам, келажаги ҳам бутун кучини олиб кетаётган халқимнинг бир гуруҳ муттаҳамларнинг йўлида қувончини бахтини қурбон қилиб бутун умри азоб билан армон билан ўтиб кетаётган заҳматкаш халқимнинг юрак қони билан битилган. Зумрад хола титраб кетди. Ғуёки суратни янгитдан кураётгандай унинг тубида яшириниб ётган Шоиранинг дарду аламларини англаб етаётгандай узоқ тикилиб қолди.

Бу оппоқ сочлари силлиқ таралган, юзи чўзинчоқ аёл, умри давомида кечирган жабру-жафоларини ўз чеҳрасига яширгандай. Айниқса, унинг таниш вафодор кўзлари... Уларда бир қарасанг жозиба, бир қарасанг ўтинч, илтижо мужассам эди. Унда синчковлик сезилмасди. Аммо ўз соҳиби билан қаршисидаги одам ўртасидаги пардани тешиб, тиг каби инсонга санчиларди. У Зумрад холани ҳаётга ундашга, дилхаста кунглига малҳам беришга чоғлангандек самимий боқиб турарди...

Муяссар УМИРОВА.

Xullas...

ТАҚДИР КИНОЯСИ

Рус альпинисти Федор Лунаев ҳақида эшитган чиқарсиз, ҳойнаҳой? У яқинда Америкадаги энг юксак чўққи Мак-Кинлини забт этиб, бутун дунё аҳлини қойил қилганди. Тақдирнинг аччиқ киноясини қарангки, юксакларга ошно бу инсон арзимасгина чуқурликда, Денали дарёсидан шунчаки сузиб ўтаётган пайти, гирдобга тушиб қолиб, ҳаёт билан хайрлашди. Ўша пайтда Ф. Лунаевнинг ёнида бўлган дўсти роберт Вильт унинг жасадини аранг қирғоққа чиқариб олди ва аламидан йиғлаб юборди.

ИШБИЛАРМОН САРТАРОШ

Соғлиқни тиклаш учун ҳозир дунё аҳли серҳаракат бўлишга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Буни аллақачон тушуниб етган голландиялик сартарош Ромерио Чулли ўзининг гўзаллик салонига тез-тез ташриф буюрадиган аёллар учун қизиқарли янгиликлар ўйлаб топди. Хонимлар фенқалпоқлар тагида ўтиришганда вақтларини бекор кетгазмасликлари учун сартарош ҳар бир кресло остига велосипед педалини ўрнатган. Мижозлар педални айлантириб, жисмоний машқ бажарсалар, сартарош эса... Кресло остидаги митти генератордан қўшимча электр энергияси олади.

ҚАРОҚЧИ БУРГУТ

Саудия Арабистонидаги Ар-Риёд шаҳридаги бозорда одам жонидан бўлак ҳар нарса сотилади. Ўша бозорга Ал-Жаъбр деган тоғлик овчи бургутини сотиш учун олиб келганди. Харидор ҳам тезда топила қолди. У чўнтагидан бир даста пул олиб, эндигина санай бошлаган ҳам эдики, бургут даста пулни ўткир панжалари билан юлқиб олиб ҳавога кўтарилди. Бу воқеа тасодифий ё бу жасур қуш атай ўғирликка ўргатилганми, ҳарқалай, ҳозирча қоронғу.

...ana shunaqa gaplar

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Институти ректорати, Табииёт-география факультети жамоаси педагогика фанлари доктори, кимё кафедраси мудири Хожиқул Омоновга отаси

Товбой ОМОНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6